

Москвада исломий китобларнинг чакана савдо дўкони очилади



14:00 / 25.03.2021 2452

Волга Болгарияси халқлари томонидан Ислом динининг қабул қилинганлигининг 1100 йиллиги арафасида «Баракот» исломий китобларнинг концептуал чакана савдо дўконининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Маросим Москва масжиди ҳудудида ўтказилади.

Islamnews.ru хабарига кўра, тадбир 1 апрель куни соат 13.00 да Москванинг, Выползов чизиғи кўчаси, 7 уй манзилида бўлиб ўтади. «Баракот» пойтахтдаги биринчи ихтисослашган мусулмон адабиёти дўкони ҳисобланади. Дўкон москваликлар ва пойтахт меҳмонларини керакли исломий адабиётлар билан таъминлаш учун мўлжалланган. Дўкон жавонларида Россия ва Осиёнинг 15 дан ортиқ тилларидаги адабиётлар ўрин олади. Шунингдек, ушбу кўчадаги ҳалол бозор, совғалар ва тарихий

масжиддаги кийим-кечак дўконлари бир хил номдаги компаниянинг тўртинчи лойиҳасидир.

Хуршид Маъруф тайёрлади